

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

# 135 Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2343*

*(2012 йил 27 мартдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., № 9, 497-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 55-сон «Солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 12-сон, 111-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 29 февраль,  
23-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2012 йил 29 февралдаги  
23-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 9-сон, 497-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 55-сон «Солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 12-сон, 111-модда) мувофиқ солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ солиқ маслаҳатчилари ўз малакаларини ошириб боришлари шарт.

2. Солиқ маслаҳати соҳасидаги касбий билимларни, маҳоратни ва кўникмаларни янгилаб бориш ва чуқурлаштириш солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш деб эътироф этилади.

3. Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш белгиланган тартибда солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш бўйича махсус ўқув курси бўйича ўқитишни амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари (кейинги ўринларда таълим муассасалари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

4. Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш мазкур Низомга илова қилинган ўқув дастури асосида ўтказилади.

5. Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш таълим муассасаларида солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш махсус ўқув курсларида таълим олиш йўли билан амалга оширилади.

**II. Таълим муассасаларида солиқ маслаҳатчиларининг  
малакасини ошириш**

6. Малака ошириш таълим муассасаси ва солиқ маслаҳатчиси ёки солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

7. Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш ҳар йили 1 апрелга қадар, 2012 йилда эса — 2012 йилнинг 1 июнига қадар амалга оширилади.

8. Таълим муассасаси томонидан солиқ маслаҳатчиси малака сертифицининг орқа томонига малака ошириш курсини ўтаганлиги тўғрисида белги қўйилади.

9. Солиқ маслаҳатчилари ҳар йил 15 апрелгача, 2012 йилда эса — 15 июнгача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига малака ошириш курсларни ўтаганлиги тўғрисида ахборот тақдим этади.

### III. Яқуний қоидалар

10. Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш иккинчи олий ёки ўрта махсус, касб-хунар маълумотини олиш деб қаралмайди.

11. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

*Б. ХОДИЕВ*

*2012 йил 29 февраль*

Солиқ маслаҳатчиларининг  
малакасини ошириш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

### Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш курси ДАСТУРИ

#### 1-бўлим. Иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари (8 соат)

1-мавзу. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар таҳлили.

2-мавзу. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг алоҳида нормаларини қўллаш бўйича муаммоли масалалар ва мавжуд амалиёт.

3-мавзу. Вазиятли масалалар.

#### 2-бўлим. Солиқ ҳуқуқи, юридик ва жисмоний шахсларга солиқ солиш (10 соат)

1-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар таҳлили.

2-мавзу. Солиқ солиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг алоҳида нормаларини қўллаш бўйича муаммоли масалалар ва мавжуд амалиёт.

3-мавзу. Вазиятли масалалар.

**3-бўлим. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот  
(7 соат)**

1-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар таҳлили.

2-мавзу. Бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги қонун ҳужжатларининг алоҳида нормаларини қўллаш бўйича муаммоли масалалар ва мавжуд амалиёт.

3-мавзу. Вазиятли масалалар.